3

Ватан севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Нархи: 5 сўм

1993 йил 1 апрель, пайшанба

№ 56 (21.407).

• ЎЗБЕКИСТОН—МАЛАЙЗИЯ: •

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА ЯНГИ ҚАДАМ

БОШ ВАЗИР ТАШРИФИ БОШЛАНДИ

31 март куни Малайзия Бош вазири Маҳатҳир бин Муҳаммад бошлиқ расмий ҳукумат делегациясининг Ўзбекистон Республикасига ташрифи бошланди.

Ўзбекистон Республикаси ва Малайзия подшолиги давлат байроқлари ҳилпираб турган пойтахт тайёрагоҳида Малайзия Бош вазирини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ҳамда Бош вазир А. Муталов, ташқи ишлар вазири С. Сафоев, Тошкент шаҳри ҳокими А. Фозилбеков ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов меҳмонни Ўзбекистон ҳукумати аъзолари ва хорижий давлатларнинг Тошкентдаги ваколатхоналари вакиллари билан таништирди.

Малайзия Бош вазири Маҳатҳир бин Муҳаммад мамлакатимиз раҳбарига ҳукумат делегацияси аъзоларини тавсия этди.

Малайзия подшолиги ҳукумат делегациясида мамлакатдаги етакчи вазирликлар, тармоқлар ва корхоналарнинг раҳбарлари, олимлар, ишбилармонлар бор. Улар Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёнини ўрганади, мамлакатимиздаги сиёсий-ижтимоий вазият билан танишади ва юртимиздаги тарихий осори атиқаларни зиёрат қилади.

Бош вазир ташрифи давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ўтган йили Малайзия подшолигига сафари чоғида имзоланган бир неча шартнома ва битимлар силсиласига янги ҳужжатлар қўшилиши кўзда тутилмоқда.

Давлат бошлиғи ва ҳукумат раҳбари тайёрагоҳда оммавий ахборот воситалари вакилларининг саволларига жавоб бердилар.

Делегацияни кутиб олувчилар орасида Малайзия подшолигининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Муҳаммад Ҳорун бор эди.

(ЎзА)

Суратларда: 1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Тошкент тайёрагоҳида Малайзия Бош вазирини кутиб олмоқда. 2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Малайзия Бош вазири тайёрагоҳда оммавий ахборот воситалари вакилларининг саволларига жавоб бердилар.

Р. ШАГАЕВ (ЎзА) олган суратлар.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА ҚАБУЛ

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулҳошим Муталов мамлакатимизга ташриф буюрган Малайзия Бош вазири Маҳатҳир бин Муҳаммад бошлиқ ҳукумат делегациясини қабул қилди.

Самимий суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси Малайзия Ўртасидаги алоқаларнинг ҳозирги даражаси атрофлича муҳокама этилди. Барқарор дўстлик ва манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш, жумладан, электроника, нефть қазиб олиш ва қайта ишлаш, савдо-сотиқ ва сайру-саёҳат соҳаларида икки томонлама алоқаларни кенгайтириш хусусида фикрлашиб олинди.

Суҳбат чоғида Малайзиянинг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Муҳаммад Ҳорун иштирок этди.

(ЎзА).

МЕҲМОН ТОШКЕНТ БИЛАН ТАНИШМОҚДА

Малайзия Бош вазирининг рафиқаси Сити Ҳасмабону 31 март куни Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари билан танишди. У Ўзбекистон давлат санъат музейида бўлди. Меҳмонга ҳамрох бўлган Ўзбекистон Бош вазирининг рафиқаси Ҳурнисо Муталова ҳам музейдаги ноёб манзарали — амалий санъат кўргазмасини кўздан кечирди.

Шундан кейин улар кейинги вақтда Ўзбекистоннинг асосий концерт зали бўлиб қолган Халқлар дўстлиги саройини бориб кўрдилар.

Сити Ҳасмабону Тошкентда бўлган биринчи кунининг охирида республика Халқаро маданий-маърифий алоқалар миллий уюшмасининг раиси Наим Ғоибов билан учрашди. Суҳбат чоғида меҳмон Малайзия ва Ўзбекистон жамоат ташкилотлари ўртасидаги алоқалар халқ дипломатияси даражасида ривожланиб бораётганини, бундай ҳамкорликнинг истиқболларини билиб олди.

(ЎзА мухбири).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Иш ҳақи, пенсиялар, стипендияларнинг энг кам миқдори оширилгани муносабати билан Вазирлар маҳкамаси шу йил 1 апрелдан бошлаб қайд этиб қўйилган даромадларга бериладиган купонлар миқдорининг табақалаштирилган жадвалини белгилаш тўғрисида қарор қабул қилди. **Ушбу қарорга мувофиқ биринчи квартал намунасидаги купонли карточкаларнинг амал қилиши шу йилнинг иккинчи кварталида ҳам сақланиб қолади.** Мазкур қарорнинг иловасига мувофиқ 1993 йилда қайд этилган даромадларга бериладиган купонлар миқдорини аниқлашнинг қуйидаги жадвали тасдиқланди:

Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва бошқа қайд этилган даромадлар миқдори (солиқлар ва ушлаб қолинадиган қисмидан ташқари)	Бериладиган купон миқдори
3000 сўмгача	1500
3001 — 5000 сўм	1500 қўшув 3000 сўмдан ортиқ миқдорнинг 20 фоизи
5001 — 10000 сўм	1900 қўшув 5000 сўмдан ортиқ миқдорнинг 10 фоизи
10001 сўм ва ундан кўп бўлганда	2400 қўшув 10000 сўмдан ортиқ миқдорнинг 5 фоизи.

Тасдиқланган жадвалга мувофиқ бериладиган энг кам купон миқдорини 1500 купонгача кўпайтирилган ва унинг миқдорини кўпайтириш қайд этилган даромадлар ҳажмига қараб табақалаштирилади.

Масалан, эски жадвалга мувофиқ ходим қайд этилган 5000 сўм даромадга 1750 купон олган бўлса, янги жадвалга мувофиқ 2000 купон, 10000 сўм даромадга 2250 купон олган бўлса, янги жадвал бўйича 2400 купон олади.

Мазкур қарорга мувофиқ республика ҳудудидаги мулкчиликнинг барча шаклига мансуб корхоналар, ташкилотлар ва хўжаликлар тегишли банк муассасаларига 1993 йил 8 апрелга қадар зарур миқдордаги купонга талабнома беришга, шу йил апрель ойи учун купонларни ходимларга, пенсионерларга, талабаларга ҳамда бошқа тоифа фуқароларга 1993 йилнинг 10 апрелига қадар беришни таъминлашга мажбурдирлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВГА САМАРҚАНД ШАҲРИДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛАЁТГАН БУХОРО ЯҲУДИЙЛАРИДАН

ОЧИҚ ХАТ

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Сизни Самарқанддаги Бухоро яҳудийлари номидан умумхалқ Наврўз байрами билан муборакбод этишга ижозат бергайсиз. Биз сиз илгари сураётган Ўзбекистон истиқлолини мустаҳкамлаш дастурини тўла-тўкис маъқуллаймиз! Сиз ўтказаётган ички ва ташқи сиёсатни тақдир тақозоси билан бутун дунёга тарқалиб кетган бизнинг барча миллатдошларимиз тушунуб қабул қилдилар ва қўллаб-қувватламоқдалар.

Самарқанд ҳокимининг қарорига биноан вилоят, шаҳар жамоатчилиги 1993 йил сентябрь ойининг биринчи ярмида «Шарқ» даҳасининг 150 йиллигини нишонлайди. Даҳамиз мустақил Ўзбекистон Республикасидаги барча Бухоро яҳудийларининг ўзига хос бешиги ҳисобланади. Республикамизнинг фахри бўлган таниқли адабиёт ва санъат арбоблари, олимлар шу ерда таваллуд топиб, яшаб, меҳнат қилганлар. Юбилей кунларида хориждаги маданият арбоблари, ишбилармонлар ва миллатимизнинг бошқа намояндалари шаҳримиз меҳмони бўладилар.

Муҳим давлат ишлари билан жуда банд бўлишингизга қарамай, юбилейимизда сиз, Ўзбекистон Республикаси Президентини кўришдан биз ғоят хушнуд бўлур эдик. Бухоро яҳудийлари маркази — «Шарқ» даҳасининг 150 йиллик юбилейнинг нишонланиши Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти ўтказаётган тинчликсевар ва байналмилал сиёсатдан далолат беради.

Самимий эҳтиром билан,

юбилейни ўтказиш шаҳар комиссияси ва маданият маркази кенгаши топшириғига биноан:

СОДИҚОВ Н. И. — юбилей комиссиясининг раиси, шаҳар ҳокимининг муовини

БАДАЛОВ И. З. — комиссия раисининг муовини, Сиёб тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари

ЛЕВИЕВ Я. М. — Самарқанд шаҳридаги Бухоро яҳудийлари маданият марказининг раиси

АБРАМОВ М. М. — тарих фанлари доктори, профессор, маданият маркази раёсатининг аъзоси.

БОЙБАЧАЕВ Б. Х. — даҳа комитетининг раиси, шаҳар кенгашининг депутати.

• ФАХРИЙЛАР ДАЪВАТИ •

ВАТАН РАВНАҚИ—ОЛИЙ МАҚСАД

Биз ҳаётда жуда кўп яхши-ёмонларни кўрган, турмушнинг аччиқ-чучугини тотган кексаларимиз. Оллоҳга шукр-ким, инсоф ва диёнат доирасида яшаб, шаънимизга доғ туширмай келдик. Ҳар биримизнинг ўнлаб шогирдларимиз борки, учрашиб қолганимизда улар ҳамиша таъзимдалар. Зеро, инсон яхшилик билан ном қолдиришга, халқ ташвиши билан яшаган кишининг имони бутун, обрўси баланд бўлишига, ҳақиқатнинг албатта ғолиб чиқишига ишончимиз комил.

Республикамизнинг мустақиллиги шарофати туфайли ўзбекона қадриятларимиз — каттани ҳурмат қилиш, инсоф ва диёнатли бўлиш, бировнинг ҳақидан қўрқиш, бева-бечораларга мурувват кўрсатиш каби олижаноб фазилатларимизнинг қайта қарор топишига, албатта, ишонамиз. Иншоолло, юртимиз яхши анъаналар билан гўзаллашиб, фаровонлашиб борғусидир.

Лекин шу кунларда бизни айрим воқеалар таажжубга солмоқда, виждонимизни қийнамоқда. Буларнинг биринчиси, ёшлар тарбиясидир. Ёшлар орасида турли жиноятларнинг кўпайиб бораётганлиги ҳеч биримизни хотиржам қолдирмайди. Аввалари ота-боболаримиз уйларига, дўконларга қулф урмаганлар. Негаки инсоф ва диёнат кучли бўлган. Назаримизда, асрлар давомида амал қилиб келинган қадриятларимиздан чекиниш кўпчиликни қисман лоқайд, эътиқодсиз, айримларни эса икки юзламачи, қўрқоқ қилиб қўйди. Иккиюзламачилик, эътиқодсизлик эса одамни, шубҳасиз, бешафқат, ғурурсиз қилиб қўяди. Бир қатор ёшларимизни ана шу бало ўз гирдобига тортаётгани бизга яхши аён.

Хўш, нима қилиш керак, дерсиз? Бизнинг назаримизда, бугунги кунда жиноятчиликка қарши курашиш учун қаттиқ қонун зарур. Токи, барча кундалик турмушда қонуннинг устиворлигини сезиб турсин. Шу жиҳатдан биз Президентимиз И. Каримов ташаббуси билан уюшган жиноятчиликка қарши кескин кураш бошланганини астойдил маъқуллаймиз.

Шу соҳада маҳалла қўмиталари фаоллигини ошириш жуда муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблаймиз. Сабаби, маҳаллада кимнинг қандай қадам ташлаётгани беш панжадек маълум. Агар маҳалла кенгашлари чиндан ҳам жонкуярлик билан ишласалар, жуда кўп жиноятларнинг олдини олиш мумкин. Қолаверса, бу ишда кексаларимиз ўрнак кўрсатишлари жуда-жуда зарур. Негаки, кексалар бой ҳаёт тажрибасига эга донишманд кишилардир. Агар улар маҳаллаларда чакки йўлга кираётган ёшларни аниқлаб, уларни бу йўлдан қайтаришга ҳаракат қилсалар, тинчлик ва осойишталикни сақлашга катта ҳисса қўшган бўладилар. Қолаверса, бу савоб ишдир. Агар кексаларимиз ўзбек халқининг энг яхши урф-одатларини тарғиб қилиб, олижаноб анъаналаримизни мерос қилиб қолдирмасалар, ким қолдиради? Биз кексаларимизни ана шу савоб ишдан четда турмасликка чақирамиз.

Афсуски, тўқликка шўҳлик қилиш ҳоллари ҳамон учраб турибди. Биз яқинда Андижон шаҳрида ўтказилган бир тўйда бўлдик ва тўй эгасининг сохта шуҳрат учун қилган бемаъни ҳаракатидан жуда нафратландик. Сабаб, у бетайин отарчилар устидан етти боғлам ўн сўмлик пулнинг белбоғини йиртиб сочиб юборди. Ёш болалар пул териш билан овора бўлиб кетишди. Тўй эгаси аслида кимга ибрат бўлмоқчи? Ўзининг маданиятсизлигини, сохтакорлигини кимга намойиш қилмоқчи? Биз кексалар ана шу бемаъниликни кўриб, тўйдан туриб кетдик. Нақотки, ўзимизнинг исрофгарчилигимиз, сохта тантилигимиз билан бошқаларга мақтансак. Кейин билсак, шу тўйда 14 яшик арақ ичилганмиш.

Ана шу воқеадан кейин биз кексалар чойхонада йиғилиб фикрлашдик. Бу суҳбатда қатнашганларнинг аксарияти, бугунги кунда жиноятга қўл ураётган ёшларнинг кўпчилиги ана шундай сохтакор кишиларнинг, собиқ раҳбарларнинг, пулдорларнинг фарзандлари эканлигини эътироф этишди. Пулни пешона тери билан ҳалол ишлаб топган киши ҳеч қачон бундай исрофгарчиликка йўл қўймайди. Истагимиз шуки, маҳаллаларда сохта обрў учун тарбияга путур етказадиган юқоридагидек ҳолларга қарши кескин курашмоқ зарур.

Ҳалоллик, поклик, шафқатлилик биз учун азалий меросдир. Ана шу меросни асраб-авайлаб авлодларга етказайлик. Бу хайрли ишда барча кексаларимизга саломатлик, куч-ғайрат, сабр-бардош тиламоқчимиз.

Биз аминмизки, халқимиз орасида донолар, фидойилар кўп. Ана шундай кишиларимиз шарофати билан мустақиллигимиз мустаҳкамланажак. Дунёдаги илғор давлатлар қаторига тезроқ қўшилишимизга асло шубҳаланмаймиз.

Андижон вилояти уруш ва меҳнат фахрийлари номидан:

А. АБКУЛЛАЕВ, меҳнат ва уруш фахрийси, Р. ТУҚАЕВ, жанговор Шуҳрат орденининг тўла нишондори, В. ШОКИРОВ, меҳнат ва уруш фахрийси, Н. НАЖМИДДИНОВ, меҳнат ва уруш фахрийси, В. КРИНИЦКИЙ, меҳнат ва уруш фахрийси, Р. ФАЙЗИЕВ, меҳнат ва уруш фахрийси.

ЖУРНАЛИСТЛАР АНЖУМАНИ

Ўзбекистон журналистлар уюшмасининг пленуми бўлди. Унда Республика Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» ҳамда «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» рисолаларида баён қилинган фикрлар асосида журналистлар олдида турган вазифалар муҳокама этилди. Уюшма бошқаруви раиси Л. Кабиров шу ҳақда маъруза қилди.

Маърузачи ва сўзга чиқканлар мазкур рисолаларда оммавий ахборот воситаларининг Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, республика раҳбариятининг ички ва ташқи сиёсатини халқимиз онгига етказишдаги ўрнига юқори баҳо берилганини, журналистлар бу юксак ишончга муносиб бўлишга интилаётганини таъкидладилар. Анжуман иштирокчилари бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида қалам аҳлини ижтимоий ҳимоялаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларни маъқуллади.

Анжуманда 1992 йилнинг энг яхши журналистика асарлари танлови, шунингдек, республика мустақиллигига бағишланган кўрик ғолибларига мукофот ва дипломлар топширилди.

(ЎзА).

• Иқтисодий ислоҳот— давлат назоратида

ТАДБИРКОРЛАР ЙЎЛИНИ ТЎСМАНГ

Кўча-куйда, автобус ва трамвайдаги суҳбатлар мавзуи, таниш-билишу қўшнилар салом-алиги бир пасда нарх-навога тақалади. Ҳозирги моддий қийинчиликларнинг сабабчилари «қидирилади». Раҳбарларимиз ўзига боғлиқ бўлмаган қимматчилик, пул қадрсизланиши оқибатларини енгиллаштириш учун қўлидан келган ҳамма нарсани қиляпти.

Ҳукумат ҳам фармон билан изма-из ижро қарорларини чиқаряпти.

Шундай мулоҳазалар кўпайгани сари тадбиркорлик ҳақида асоссиз тушунчалар томир отавериши тайин. Масаланинг мағзига етиш учун эса иккинчи томоннинг ҳам муаммоларига кириб бориш даркор эмасми? Республикада иқтисодий ислоҳот, хусусан тадбиркорлик ҳаракатини ривожлантиришга қаратилган зарур раҳбарий ҳужжатлар етарли бўлишига қарамай нега бу соҳа суст ривожланаётибди? Бу муаммо ҳақида кенгроқ фикр юргизиш лозим.

— «Тадбиркор»дан чинакам тадбиркорнинг фарқи бор, — дейди республика ишбилармонлар уюшмаси бошқарувининг раиси Муродхон Жўраев. — Бозор муносабатларига уч-тўртта чакана «тижоратчи»нинг ишига қараб баҳо бериш, юмшоқроқ қилиб айтанда, адолатдан эмас. Агар кузатган бўлсангиз, кўпгина хайрия тадбирларини ўтказишга асосан тадбиркорлар ҳисса қўшаяпти. Кўпгина маданий тадбирлар, спорт мусобақалари ташкил қилишга, муҳтож беморларни дори-дармонлар билан таъминлашдаги моддий кўмагимизни ҳеч ким инкор қилолмаса керак. Ишбилармонларнинг 99 фоизи оқил ва тиришқоқ кишилар. Улар бутун ақлий тафаккурини сарфлаб ўзларини ҳам, жамиятни ҳам бойбадавлат қилишга интиладилар.

Бозор иқтисодиёти жаҳон амалиётида асрлар бўйи синовдан ўтиб бўлган катта, серқирра, мураккаб тизимдир. Лекин тоталитар тексичилик ҳукм сурган 70 йилдан кейин бу тизимга ўтишимизда турли тўсиқларга дуч келиняпти. Хайриятки, мустақил давлатимиз бошлиғи Ислом Каримов ўз вақтида буни пайқаб, иқтисодий ислоҳот масалаларини қатъий назоратга олди. Яқинда Президент ҳузуридаги Давлат назорати қўмитаси таркибида тузилган иқтисодий ислоҳотга доир фармон ва қарорлар бажарилишини назорат қилувчи жамоат комиссияси айни шу иш билан амалий шуғулланаётгани айни муддао бўлди.

Республика ҳукуматининг ўтган йил якунлари ва 1993 йил режалари муҳокама қилинган мажлисда Президент Ислом Каримов мустақил давлатимизнинг дадил оёққа туриши, ривожланишнинг янги босқичида бошқа асосий қоидага риоя қилиш зарурлигини уқтирди.

Иқтисодий ислоҳотни бошқариш жиловини давлат ўз қўлига олиши тўғрисидаги муҳим қоида Президент ҳузуридаги Давлат назорати қўмитаси иш режасида асосий ўрин эгалламоқда. Яқинда давлат назоратчилари республикада иқтисодий ислоҳотни амалга оширишда, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш борасида ҳокимликлар ва хўжалик ташкилотлари олиб бораётган ишлар аҳволини ўрганиб чиқдилар.

Шу кунгача республикада 32 мингдан ортиқ тадбиркорлик корхоналари рўйхатга олинган. Улардан 20 мингга яқин, жумладан, 9900 та кичик, 207 та қўшма, 2700 та хусусий корхоналар, 295 ҳиссадорлик жамияти, 4400 та ширкат фаолият кўрсатмоқда. Уларда 440 мингдан ортиқ киши ишлайди. Аҳолига сотилган маҳсулот ва кўрсатилган хизмат ўтган йили 27,6 миллиард сўмлик бўлди. 1,32 миллиард сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди. Тошкент, Самарқанд вилоятлари, Тошкент шаҳри ижроия фармойиш идоралари иқтисодиётнинг муқобил тузилмаларини ривожлантириш соҳасида анча яхши иш олиб бордилар. Тошкент шаҳрида ишлаб турган 3864 корхона қарийб 4 миллиард сўмлик маҳсулот берди. Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, 1,8 миллиард сўмликдан ортиқ маҳсулот сотган ва хизмат кўрсатган хусусий корхоналарнинг учдан бири Наманган, Андижон, Бухоро вилоятлари ва Тошкент шаҳрида ишлаб турибди.

Айни пайтда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлида тўғаноқ бўлиб турган айрим сабаблар борки, улар ҳақида тўхталмай илож йўқ. Уларни икки гуруҳга ажратиб таҳлил қилиш маъқулроқ. Биринчидан, бу соҳа истиқболи учун давлат ва хизмат томонидан зарур бўлган барча қонуний ҳужжатлар бўла туриб, марказда бу жойларда тадбиркорлик тузилмалари фаолиятини йўналтирувчи тадбирлар мажмуи қабул қилинмаган. Бунга на республика тадбиркорлар Иттифоқи, на ҳокимликлар вақтида эътибор берган. Иккинчидан, кичик, хусусий, қўшма корхоналар ва ширкатлар ташкил этилиши пайтида ўз Низомларига қайд этган халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш билан боғлиқ вазифаларни деярли бажармаяптилар. Ўтган йили республика бўйича ишлаб чиқарилган истеъмол молларининг 1,2 фоизигина уларнинг чекига тўғри келади, холос.

Шаҳар ва район ҳокимликларининг раҳбарлари корхоналарни рўйхатга олиш, қайта рўйхатдан ўтказиш учун тўловларни вақтида ундириш борасида тегишли давлат муассасаларининг масъулиятини белгилаб бермаганлар ва ижросини талаб қилмаганлар. Оқибатда давлат бюджети, демак ўз навбатида бюджетдан таъминланувчи тузилмалар (аввало маориф ва тиббиёт), пенсионерлар, кам даромадли оилалар нафақа ва ёрдам маблағларини вақтида ололмай жабр кўрмоқдалар.

Навоий, Сирдарё ва Хоразм вилоятларида тадбиркорлик ҳаракати бирмунча суст. Фарғона, Андижон ва Жиззах вилоятларида рўйхатга олинган корхоналарнинг ярми ишламаётир. Бу аҳволнинг сабабларини таҳлил этиш, иқтисодиётнинг нодавлат тузилмаларини кенгайтиришга кўмаклашиш аҳоли турмуши яхшиланишини ўйлайдиган раҳбарларнинг ҳозирги долзарб бурчи эмасми?

Давлат назорати комитети ўтказган текширувда маълум бўлишича, ширкатлар, кичик корхоналар ва бошқа тадбиркорлик тузилмаларининг 20 фоиздан ортиғи давлат истиқболини белгилаш ва статистика идораларига ҳисобот топширмас эканлар. Ҳисобот интизомининг йўқлиги, статистика идораларининг етарли талабчанлик қилмаётгани бу соҳадаги маълумотларнинг чалкашиб кетишига олиб келмоқда.

Бош солиқ бошқармаси ва унинг жойлардаги идоралари кичик корхоналар, ширкатлар, хусусий ва қўшма корхоналар бюджетига ажратмаларни ўз вақтида тўлиқ ўтказишлари устидан етарли назорат олиб бормаяптилар. Тошкент шаҳрининг Чилонзор районида бюджетга тушган 3,5 миллион сўмдан 905 минг сўми ўз вақтида тўланмаган. Шунингдек, Тошкент вилоятида ширкатлар ва кичик корхоналар даромади бўйича давлат хазинасига тушадиган пул 101 миллион сўм бўлгани ҳолда амалда 73,2 миллион сўм ўтказилди. Умуман, Давлат назорати идоралари томонидан масалани ўрганиш чоғида солиқ тўлаш борасида кўпгина нуқсонлар аниқланди ва бюджетга 15,8 миллион сўм ўтказилди.

Ҳокимликлар, тегишли идоралар жойларда рўйхатга олинган кичик корхона, ширкатларнинг Низомларида кўзда тутилган асосий фаолият — халққа керакли маҳсулот ишлаб чиқариш билан қай даражада шуғулланаётганликларини назорат қилмай қўйишган. Республика бўйича савдо-тижорат билан махсус шуғулланувчи 3182 тузилма рўйхатга олингани ҳолда, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш мақсадида тузилган тадбиркорлик тузилмаларининг тўртдан бир қисми савдо билан шуғулланмоқда.

Улар бажарган иш учун олинган умумий суммада маҳсулот сотиш ва Низомда кўрсатилган хизмат кўрсатишдан тушган маблағ жуда оз миқдорни ташкил этади. Бошқача қилиб айтганда, 27 миллиард сўмнинг 20 миллиарди савдо-воситачилик фаолияти эвазига тўғри келади. Ваҳолонки, тадбиркор ва ширкатларнинг асосий фаолияти маҳсулот ишлаб чиқариш ва аҳолига хизмат кўрсатишдан иборат бўлиши лозим эди. Шунингдек, кўплаб кичик корхона ва ширкатлар ижара ҳақларини вақтида тўламасликлари маълум бўлди. Текширув давомида ижара ҳақининг тўланмаган қисми бўйича бюджетга 42,4 миллион сўм маблағ ўтказилиши таъминланди.

Албатта, ўтган қисқа даврда тадбиркорлик ҳаракати бирмунча муваффақиятларга эришди. Лекин ишлаб чиқарувчи кучлар, хом ашё ва бошқа кўпгина омиллар етарли бўлган, ижтимоий-сиёсий вазият барқарор сақлаб турилган республикамизда бу ҳаракат кенг ривож топиши учун барча имкониятлар мавжуд. Президентимиз таъбири билан айтганда, давлат бош ислоҳоти бўлган республикамизда бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтилар экан, тадбиркорлик ҳаракатини жадаллаштиришнинг қўшимча омилларини қидириб топиш ва ишга солиш зарур.

Тадбиркорликни ривожлантириш, кичик корхоналар, ширкатлар, фирмалар ва бошқа тузилмаларни моддий-техника, хом ашё ва молия ресурслари билан таъминлашга қаратилган давлат дастурини ишлаб чиқиш зарурати пишиб етилди, деб ўйлаймиз. Мазкур дастурда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш билан машғул корхоналарга солиқ тўлашда янгилик бериш ёки улар дастлабки беш йилгача солиқ тўламасликларини кўзда тутиш ҳақида ўйлаб кўриш лозим. Давлат мулкини хусусийлаштиришдан тушган маблағнинг маълум қисмини тадбиркорлик тузилмалари учун молиявий ёрдамга ажратиш ҳам мумкин.

Бу соҳада Тадбиркорлар Иттифоқи ҳам ўзининг амалий қадамларини дадил қўйиши, иқтисодиётнинг нодавлат тузилмаларини ривожлантиришга оид таклифлар ишлаб чиқиб, бу ҳаракатни бир тоифа одамларнинг манфаати учун эмас, балки республика халқи фаровонлиги сари йўналтиришга таъсир кўрсатиши мақсадга мувофиқ бўлур эди.

А. АБДУБАННОПОВ,

А. КИМ,

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат назорати қўмитасининг масъул ҳодимлари.

БУХОРО БИЛАН ТАНИШУВ

Франция Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Жань Поль Везиан Бухоро шаҳрига ташриф буюрди. Элчи қадимий шаҳарнинг тарихий ёдгорликлари билан танишди.

Жан Поль Везианни Бухоро шаҳри ҳокими Убайдулло Носиров қабул қилди. Самимий мулоқот чоғида Франция билан Бухоронинг маданий алоқаларини кенгайтириш, шаҳар мактаб ва олий ўқув юртларида француз тилини ўргатишни такомиллаштириш тўғрисида келишиб олинди.

Француз элчиси Амир Олимхоннинг Бухоро инқилобидан илгари Париж банкларидан бирида сақланган хазинасини — олтинларини излаб топишда амалий ёрдам кўрсатишга ваъда берди.

И. САФАРОВ, (ЎзА).

• ЯНГРАСИН ҚЎШИҚ, ЯНГРАСИН ЁР-ЁР

ЎН САККИЗГА КИРМАГАН КИМ БОР...

ЧИНОЗДАГИ АЛИШЕР НАВОИЙ НОМЛИ ЖАМОА ХЎЖАЛИГИДА ЎТКАЗИЛГАН НАВРЎЗ ТАНТАНАСИДА 13 ТА ЯНГИ ОИЛА КАТТА ҲАЁТГА ҚАДАМ ҚЎЙДИ.

• РЕПОРТАЖ •

Бир қўшиқ куйлагим келяпти, у шундай қўшиқки, ҳали ҳеч ким куйламаган. Мазмуни шундай: мамлакатимнинг мустақиллиги — менинг мустақиллигим, унинг тинч-осойишталиги — менинг тинчу хотиржамлигим.

Дўстлар, худди шундай бир қўшиқ Тошкент вилоятининг Чиноз районидаги Алишер Навоий номидаги жамоа хўжалигида, тўғрироғи, шеъриятимиз бобокалони номига қўйилган 29-ўрта мактабда дунёга келди. Унинг муаллифи бир эмас, ҳатто ўн эмас, юзлаб, минглаб инсонлар бўлди. Ана шу хўжалик ва мактаб жамоаси душанба куни катта стадионга тўпланишиб, бутун мамлакатимизда ибрат бўларли, хайрли бир ишга қўл уришди: 13 нафар келин-куёвнинг бошини қовуштириб, эл-юртга дастурхон ёзишди! Қўшиққа-қўшиқ, рақсга-рақс, табрикка-қутловлар уланиб кетди. Бу тўй таърифига ҳар қандай қалам ожиздир.

Хўжалик бошқаруви раисининг муовини Пардабой ака Умурзоқов ҳаяжонини яшира олмади:

— Асли шу ерда ўсиб, катта бўлганман. 8 нафар фарзанднинг отасиман. Ўн уч келин-куёвнинг, ўн уч оиланинг тўйини бир кунда ўтказяпмиз. Ҳамласи хўжалигимиз ёшлари, денг. Бунақаси ҳали ҳеч бўлмаган. Кўпчилиги ўрта мактабни битириб, шу ерда ишлашга аҳду паймон қилишди. Бундан ташқари, Наврўз ойида туғилган Наврўзбекни, уч эгизак — Ҳасан-Ҳусан ва Жавлон, Ҳасан, Ҳусан ва Зуҳраларни олқишлашга бутун эл тўпланган. Ҳозир Наврўз бизда қўшалоқ байрамга айланиб кетди, ука. Тўрт келин олдим, учинчи қизимни уйли-жойли қиляпман. Президентимиз Ислом Каримовга катта раҳмат, Халқимизга Наврўзни, Ҳайит байрамларини, ислом динини, қадриятларимизни қайтариб берди. Халқ юртбошимиздан беҳад миннатдор...

Чоллар дуога қўл очишади. Келин-куёвлар ўзлари таълим олишган икки қаватли мактаб биноси олдидаги стадионга йўл олишди. Хаяжоннинг чеки йўқ! Карнай-сурнай садоларию қувноқ ёш яланг, бола-чақа қийқириқлари еру кўкни тутиб кетди. Келин-куёвлар тўғри саҳнага чиқишади. Ширин келинлар саломи... Район ЗАГС бўлими мудири Шоира Ғаффорова уларга никоҳ гувоҳномаларини топширар экан, ўзи ҳам шоира бўлиб кетди, чоғи. Келин-куёвлар 13 та алоҳида супачаларда махсус бунёд этилган 13 та гўшага йўналишади...

Саҳнага хўжалик раиси Жамолиддин ака Араббоев кўтарилди, у ҳам қаттиқ ҳисҳаяжонда, сўзи жуда қисқа бўлди.

— Ҳар бир ёш оилага хўжалигимиз ҳисобидан биттадан гилам — палос, уч эгизакларга, танача совға қилдик, — деди у. — Аммо унинг бу ҳайрли ишлари ҳақида тўпланганлар оғизларидан бол томиб гапиришарди. Бу хўжаликни бошқараётганига эндигина бир йил бўпти. Ишни одамларга яхшилик, саховатдан бошлаган: умумий йиғилишда хўжаликдаги ҳар бир никоҳ тўйига биттадан гилам, суннат тўйига палос туҳфа қилинади. Болалик аёллар учун учта боғча қуриб берилибди. Бундай хайрли, эсда қоладиган тадбирлар анчагина. Колхозчиларга имтиёзли нархларда озиқ-овқат маҳсулотларию, ҳатто, қурилиш материалларигача мунтазам етказиб бериляпти. Оталиқ ташкилот — «Средазтрансстрой» трести бошқарувчисининг ўринбосари Тельман Эшонов колхозчиларнинг ўз инисидай бўлиб қолган. У клуб ва янги мактаб қуриб бериш иштиёқидаги режаларидан сўзлайди.

Республика «Наврўз» хайрия жамғармасининг раиси Дадахон Еқубов, район ҳокими Усмонали Умаров ва бошқалар дил қувончларини гоҳ шеър, гоҳ халқ нақлларини ифода этсалар, Ўзбекистон ва Туркманистон халқ артисти Бобомурод Ҳамдамов раҳбарлигидаги санъаткорлар дилрабо қўшиқ ва рақсларда изҳор этдилар. Хўжалик фольклор дастаси аъзолари Шоҳсанам Нуриддинова, Мавлуда Қудратова, Гулнора Мирсалимовалар, «Навбаҳор» болалар боғчаси тарбияланувчилари Дилноза Пўлатова ва Дилноза Иброҳимоваларнинг чиқишлари тўй файзига файз қўшиб юборди!

Қардош Тожикистоннинг Панжакент районидаги Зид дий қишлоғидан ташриф буюрган 80 яшар Маматқулназар ота Бобоназаров шундай дедилар:

— Бизлар Президент Ислом Каримовдан жуда миннатдормиз. Тожикистонда тинчлик ўрнатишда моддий ҳам маънавий ёрдам берганлари учун чин дилимиздан ташаккур айтамиз!

Ўнта супада катта тўй-томошани кўриб ўтирган кексалар: «Шундай яхши кунлар учун юртбошимиз ҳамиша омон бўлсин,бола-чақаларининг роҳатини кўрсин», — дея дуо қилишди...

Ўн уч келин-куёвнинг хотирасидан бир умр ўчмайдиган, таърифи узоқ-узоқларга кетган ажойиб бир тўй ёқимли куй, янги қўшиқдай қалбларда абадий муҳрланиб қолди. Беихтиёр яна: «Ўн саккизга кирмаган ким бор!» деб куйлагинг келади, киши.

Ҳамид ИКРОМОВ.

А. ТЎРАЕВ олган суратлар.

• Сиёсий ташкилот нуфузи

«МЕН ПАРТИЯГА ЎТМОҚЧИМАН»

Хўжалик бошланғич партия ташкилотининг котиби Бурхон Ҳосилов ишга келганида қабулида уч-тўрт нафар ёш ўтирарди. Улардан бири дабдурустдан:

— Мен Халқ демократик партиясига кирмоқчиман. Мана, аризам, — дея мурожаат қилди.

— Хўш, партияга нима учун, қайси мақсадда кирмоқчисиз? Исм-шарифингиз ким, қаерда ишлайсиз? — сўради котиб.

— Исмим Аброр. Фамилиям Олимов. 5-бўлимда пудратчиман. Тўрт гектар ерим бор. Пахта етиштираман. Партияга муносабатим масаласига келсак у ариза да қайд этилган...

Аризада шундай жумлалар бор эди:

«Шу партия раиси бўлган Президентимиз И. Каримовнинг бугунги олиб бораётган одил сиёсати нафақат биз ёшларга, балки барча фуқароларга маъқул. Шу боис мен ўз ҳаётимни худди шу партия билан боғламоқчиман».

Атиги бир кун мобайнида котибга Аброр сингари ўнлаб йигит-қизлар келиб, партия сафига ўтишга ариза беришди.

Улар хўжаликнинг оддий ишчиси Бахтиёр Ғаниев, чорва ҳисобчиси Вали Ҳакимов, 4-бўлим ижарачиси Улуғбек Ашуров, «Феруза» номидаги болалар боғчаси тарбиячиси Шоира Рустамова, район кенгаши депутати Фотима Нажмиддинова ва бошқалар эди...

— Кейинги олти ой мобайнида юзга яқин ишлаб чиқариш илғори партиямиз сафига қўшилишди, — дейди Бурхон Ҳосилов. — Ҳозир хўжалик бошланғич партия ташкилотига уюшган ХДП аъзолари сони 342 нафарга етди. Собиқ КПСС-да эса хўжалигимиз бўйича жами 238 аъзо бўлган. Қувончлиси сафимизга кўплаб ёшлар қўшилаётир. Энг муҳими, биз шу ёшларни ғайрат-шижоати эвазига хўжаликда қатор хайрли ишларни амалга оширяпмиз.

Дарҳақиқат, котиб сўзларида жон бор. Нафақат Қизилтепа ёки Тошрабод посёлкаси, балки «Бўстон» ижара хўжалигининг гуллаб-яшнаши, иқтисодиётнинг шаклланиши кўп сонли ХДП аъзоларининг хатти-ҳаракатлари, амалий ишлари туфайлидир. Айни пайтда мазкур хўжалик ҳудудини гўёки шаҳар, дейсиз. Бу ердаги маданий-маиший хизмат уйлари, замонавий савдо шохобчалари, қариялар чойхоналари, касалхона ва боғчалар— ҳамма-ҳаммаси халқ хизматида. Булардан ташқари хўжалик айтарли табиий газ ва ичимлик водопровод суви билан тўла таъминланди. Бу хайрли ишларда ҳам партия аъзолари, айниқса, партия аъзоси бўлган халқ депутатлари тўла камарбаста. Бунга мисол қилиб Мардон Шамсиев, Негбой Холов, Равшан Мавлонов, Истам Ҳолиқов сингари ўнлаб депутат бўлган ХДП аъзоларини кўрсатиш мумкин.

...Хўжалик партия ташкилотининг котиби Бурхон Ҳосилов қабулида яна бир гуруҳ ёшлар ўтиришарди. Биламизки, улар ҳам Аброр сингари «Мен партияга ўтмоқчиман» деб келишган. Бу, шубҳасиз, Халқ демократик партиясига бўлган ишонч, шу партиянинг одил сиёсатига бўлган ҳурматдир.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЁДНОМА

ЕТМИШ ИККИ ЖОН —БИТТА ХОНАДОН

Хонқа районининг Мадир қишлоғи меҳнат аҳли ўз эл-дошлари муаллим Машариф Абдуллаевнинг номини ҳамиша фахр билан тилга олишади. Бунинг боиси бор.

У умрининг қарийб 48 йилини болаларга билим беришга, уларни сидқидилдан тарбиялашга бағишлаган. 1940 йилларда Урганчдаги муаллимлар тайёрлаш институтида таълим олгач «Комсомол» мактабига илмий бўлим мудири вазифасига тайинланади. Икки йилдан сўнг эса директор вазифасида ишлай бошлайди. Тошкент Давлат педагогика институтида сиртдан ўқиб, олий маълумот олади. Унинг юзлаб шогирдлари олий ўқув юртларида таҳсил кўришиб, халқ хўжалигининг турли соҳаларида етук мутахассис, малакали раҳбар кадр, зиёли сифатида иш-лашмоқда.

Машариф Абдуллаев ўн нафар фарзандни вояга етказган эди. Тўнғичи Равшанбек район бирлашган шифохонасининг юрак-қон томир касалликлари бўлимини бошқармоқда, Хушнудбек Алҳоразмий номидаги Урганч Давлат университетининг катта ўқитувчиси ва декан ўринбосари, Абдуллажон дорихона мудири, Ҳанифахон, Эркинбой ва Ҳалимахонлар ҳам ота изидан бориб, муаллимлик касбини танлашган. Отахон, Бахтиёр, Бозорбойлар эса ишлаб чиқариш жабҳаларида.

Шуниси диққатга сазоворки, оға-инилар ва олти нафар келин хотираси азиз Машариф бобонинг бир этак неваралари билан бир хонадонда тотув ҳаёт кечиришмоқда. Уларга таом ҳар гал битта қозонда тайёрланиб, дастурхонга битта тортилади. Шунинг учун ҳам қишлоқдаги катта-кичик бу хонадонга ҳавас қилади. Машариф Абдуллаев хотираси олдида ҳамиша таъзим бажо келтиришади.

Қишлоқда нишонланган Наврўз шодиёнасига унутилмас тантана уланиб кетди. Шу куни Машариф Абдуллаевнинг ўзи узоқ йиллар раҳбарлик қилган мактабга муаллимлар жамоаси ҳамда қишлоқ меҳнат аҳлининг талаби билан унинг номи берилганлиги эълон қилинди. Мактаб ҳовлисида хоразмлик истеъдодли ҳайкалтарош — шифокор Рўзимат Ражабов яратган — Машариф Абдуллаевнинг сиймоси акс эттирилган бюст тантанали суратда очилди.

Хотираси абадийлаштирилган зиёкор шаънига илиқ сўзлар айтилди. Хонқа райони ҳокими Анатолий Шерматов тантана қатнашчиларини қишлоқ ҳаётидаги бу унутилмас воқеа билан қизғин табриклади.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

ДАСТЛАБКИ СОВРИНДОРЛАР

Республика Ёшлар иттифоқи янги нишон чиқарди. Унда оқ каптарнинг қанотларида Узбекистон миллий байроғи тасвирланган. Республиканинг энг оммавий ташкилотларидан бири таъсис этган икки мукофот — адабиёт соҳасидаги Усмон Носир номли, шунингдек санъат соҳасидаги мукофотларнинг совриндорлари шу нишонлар билан тақдирланди.

Ёшлар иттифоқи куни арафасида совриндорларнинг дипломлари ва нишонлари тантали равишда топширилди. Узбекистон йигит ва қизлари бу кунни 5 апрелда нишонлайдилар. Мукофоталнганлар орасида Тошкент давлат консерваториясининг муаллими И. Икромов, республикада машҳур артист Ҳ. Тожибоев, давлат телерадиокомпаниясининг «Камалак» ахборот» мусиқий эшиттириши ижодий гуруҳи, «Саодат» журнали муҳаррири ўринбосари Э. Шукур, «Чўлпон» нашриётининг ходими А. Акбар бор. Мукофотларни топшириш маросимига комсомол фахрийлари, таниқли адабиёт ва санъат арбоблари таклиф этилди. Улар Ёшлар иттифоқи мукофотларининг дастлабки совриндорларини табриклаб, уларга оқ йўл ва янгидан-янги ижодий муваффақиятлар тиладилар.

(ЎзА).

«ОРОЛ — МЕНИНГ ТАҚДИРИМ»

Қорақалпоғистон давлат ўлкашунослик музейида Орол денгизининг бугуни ва ўтмишини акс эттирувчи кўргазма ташкил этилди. У «Орол — менинг тақдирим» деб номланган. Кўргазмадан мусаввир ҳайкалтарош ва суратчиларнинг денгиз тақдирига оид асарлари ҳамда турли ҳужжатлар ўрин олган.

(ЎзА).

• «Ўзбекистон овози»нинг 75 йиллиги олдидан

«Ўзбекистон — ватаним менинг»

• Ёзувчи муаммо қўяди

ЭСИЗ ОҚТОШ, ЭСИЗ ОҚТОШ...

«ОҚТОШ» санаторийси ёпиб қўйилгандан бери салкам тўрт йил ўтди. 1989 йил бошларида оромгоҳдаги айрим муаммолар ҳал этилиши ўрнига уни «вақтинча» ёпиш ва биноларни шоша-пиша бузиб ташлаш каби антиқа ҳаракатлар ҳақида ўз вақтида матбуотга чиқмай чакки қилган эканмиз...

Тошкентдан унчалик узоқ бўлмаган баланд тоғлар бағрида жойлашган «Оқтош» ҳақида қисқача изоҳ бермасак бўлмас. Асримиз бошларида Чотқолнинг улуғвор чўққиларидан бири — Қорақия этакларидаги хушманзара жойда Оқпошшонинг яқинларидан бири пайдо бўлибди. «Кўк мўйловли инженер» лақабини олган бу кимса шу ерда ёнлама ариқ (терасса)лар очиб, мевали ва манзарали дарахтлар эктирибди. «Тилла танга бериб ерли халқларни ишга ёллаган ўша инженер жуда саҳий одам экан», деб қайта-қайта эслашади. бўстонлиқлик қариялар. Тилла танга тарқатгани сабабли уни Тиллатўра ҳам деб аташаркан. Хулласи, Оқтошда каттагина ўрмон барпо бўлибди.

Оқтошга бир умр шайдо бўлиб қолганлар жуда кўп. «Унча-мунча дорилар кор қилмаган бемор «Оқтош»га етиб олса бас, — дейишади бу ерда даволанганлар. — Тез орада нафас олиши маромига тушади». Ҳа, биргина шифобахш ҳавоси учун кўчиб келиб, шу маскан атрофларида яшаб қолганлар қанча!..

— Санаторий дарвозасидан чиқиб, сал юришингиз биланоқ иқлим ўзгарганини сезасиз, — дейишади шифокорлар.

— «Оқтош»да уч хил шифобахш ҳаво кезиб юради, — дея аниқлик киритади Ўзбекистон курортлар кенгаши раиси Ҳ. Маҳмудов. — Нафаси қисилаётган бемор бундан албатта дардига шифо топади...

— Инсон ҳаёти учун шунчалар зарур экан, кўп йиллар давомида унинг ёпиб ташланганини қандай изоҳлайсиз? — сўрадик биз.

Ҳалим Шарипович бироз ўйга толди. Умрининг кўп қисмини шу соҳага сарфлаган бу киши анчайин кенг қамровли жавоб берди:

— Бу оромгоҳ Ўзбекистондаги мавжуд 13 санаторийнинг энг кичиги. Унинг ўзига хос хусусиятлари эътиборга олиниб, мавсумийдан доимийга айлантирилган эди. Даволанувчилар сони кўпайгани сайин санаторийни кенгайтириш, замонавийлаштириш зарурати ҳам ортиб бораверган. Шу ниятда «зўрга турган» корпуслар бузиб ташланиб, кўркам янги бинолар қуришга киришилган. Мақсад — мавжуд 200 ўринли санаторийда даволанувчилар сонини икки баравар кўпайтириш эди. Шундай ният билан аввало ошхона тикланди, у шарқона услубда жиҳозланган. Энди фойдаланишга топширамиз, деб турганларида, яъни 1991 йил 28 август кечаси бино ёниб кетган. Ёнғин сабабини ҳеч ким айтиб беролмайди.

Бу жумбоққа жавоб излаб Бўстонлиқ район ички ишлар бўлимининг ёнғиндан сақлаш бўлинмаси бошлиғи муовини А. Усмоновга рўпара бўлдик. Уларнинг хулосасига кўра фалокатнинг асосий сабабчилари — сўнгги пардозлаш ишларини олиб борган «Шуҳрат» кичик корхонаси усталари экан. Бригада аъзолари А. Почевалов, В. Некрасов, Е. Пильников, Ю. Терсовлар иш куни тугагач, асбобускуналарини очиқ-очиқ ташлаб кетганлар. Уларни назорат қилувчи тартибга чақирувчи бирон кимса топилмаган. Энг ажабланарлиси шундаки, хулосада айбдорлар кўрсатиладию, сал вақт ўтгач — 1991 йил 9 сентябрь куни бу масалада жиноий иш қўзғаш рад этилади...

Иш нима билан тугаганини суриштириб, «Оқтош» санаторийси бош врачи Н. Ёрматовага мурожаат қилдик.

— Менинг талабимдан сўнг ўша пайтдаёқ жиноий иш қайта қўзғатилган, — деди Назира Ўруновна. — Аммо ҳозирга қадар ҳеч қандай натижа чиққани йўқ...

Қизиқ, қанчадан-қанча маблағ ҳисобига қурилган бино ёниб кетса-ю, бир ярим йил давомида бирон хулосага келинмаса!... Бу ишга мутасадди бўлган курортлар кенгаши ва Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши нега жим?

«Оқтош»га илҳақ кишилар, нафаси қисилиб қийналаётган беморлар талаби қачон қондирилади? Санаторий қайта тикланадими ёки ундан бутунлай воз кечиладими?

Бу жумбоқлар ечимини топиш учун Ўзбекистон курортлар кенгаши раиси Ҳ. Маҳмудов ва Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ишлаб чиқариш ва қурилиш бирлашмаси бошлиғи А. Қамбаровлар билан биргаликда санаторийга йўл олдик. Афсуски, Ҳалим Шарипович «Оқтош» истиқболи ҳақида кўнгилдагидек бирон гап айтмади. Қурилиш ишларининг бориши ҳақида эса бирор нарса дейиш қийин...

АЛЛАҚАЧОН қуриб қўйилган беш қаватли каттакон бино энди бутунлай яроқсиз деб топилди. Ахир унга озмунча маблағ сарфланганми?! Қурувчиларнинг ландовурлигими, қасддан қилган қинғирлиги туфайлими, бинонинг ичига кириб бўлмайди. У кутилмаганда босиб қолиши ҳеч гапмас. Энди бинони қайта бузиб, ундан чиққан қурилиш материалларини бошқа жойларга ташиб ишлатиш кўзда тутилаётган эмиш!

Ҳалим Шариповичнинг таъкидлашича, санаторий бинолари қуриб битказилган тақдирда ҳам, канализация йўқлиги учун оромгоҳ яна узоқ вақт «музлаб» ётиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Мазкур муаммони ҳал этиш учун қувурлар тайёр, афсуски ерли «азамат»лардан бир-икки киши кўкрак кериб, бу ишга йўл бермаётган экан. Бундай машмашаларни эшитиб, ҳайратдан ёқа ушлайсан киши. Ахир шу канализация йўқлиги туфайли Оқтош сойи қанчалик ифлосланади... ...Оқтош сойининг тепа қисмидан олиб келинган водопровод жумракларидан эса вақти-вақти билан ҳар хил оқавалар тушиб туради. Бундай номаъқулчиликларга барҳам беришнинг бирдан-бир чораси канализация тармоғини зудлик билан ўтказиш эканлигини наҳотки ҳеч ким тушунмаётган бўлса?! Бу — масаланинг бир томони. Қолаверса, маҳаллий ҳокимият, маъмурий идоралар нима учун томошабин бўлиб турибди?

... Айнан шу ишга алоқадор раҳбарлардан бирига бу ҳақда сўз очган эдим, у қулоғимга энгашиб шивирлади:

— Оқсоқол, мана шу елиб-югуришларингиз эвазига қанча маош оласиз?

— Маоши сизга сийлов! Елиб-югуришлар бизнинг зиммамизга, — дедим унинг пичингига пичинг билан.

Шундай боши берк кўчаларга кириб, харобага айланган санаторийнинг тайинли эгасини ҳам, бўлажак халоскорини ҳам тополмай турганимизда, хайрият, кўнгилли гап айтадиган бир мард чиқиб қолди.

— Биз зиммамиздаги қурилиш ишларимизни 1993 йилнинг биринчи ярмида, яъни июль ойига қадар тўлиқ тугаллаймиз ва худо хохласа, худди шу куни қўй сўйиб, дам олиш корпусларини фойдаланишга топширамиз! — деди касаба уюшмалари ишлаб чиқариш ва қурилиш бирлашмаси бошлиғи Абдурасул Қамбаров қатъият билан.

— Шу куни неча ўринли бино ишга тушади? — сўрадим мен фурсатни бой бермай.

— Дастлаб юз ўринли, қурилишларимиз тўлиқ битгач, бир йўла тўрт юз киши дам олиб, даволанади, — саволга вазминлик билан жавоб қайтарди Ҳалим Шарипович.

Ваъда-ку берилди, аммо «Оқтош»да чала ишлар тўлиб-тошиб ётибди. Санаторийга табиий газ келтириш, канализация тармоқларини ўтказиш каби қўшимча ишлар эса дард устига чипқон бўлмоқда. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бу соҳанинг республикамиздаги энг катта мутасаддилари белларини маҳкам боғлаб ишга киришмасалар бирор ижобий силжишга эришиш мушкулга ўхшайди.

Ҳозирги шароитда халқимизга «Оқтош» сингари сўлим ва шифобахш жойларнинг нақадар зарурлигини соҳа мутасаддиларига таъкидлаш шарт бўлмаса керак. Хулоса қилиб айтганда, қачонлардир Москвадан келган бир киши бошига кўтарган азиз жойни ўзимиз оёқ остига олиб тепкиламайлик, ҳор қилмайлик. Ҳеч бўлмаса бундай «нонкўрлик»ларга энди чек қўйиб, худо берган «Оқтош» сингари сўлим масканларни авайлаб-асраш, гуллатиб-яшнатиш ҳаммамиз учун қарз ва фарз бўлмоғи лозим эмасми?..

Асад АСИЛ,
ёзувчи.

СУРХОНДАРЁ вилоятидаги Ҳамид Олимжон номли давлат хўжалигида маккажўхори экиш бошланди. Кўп тармоқли хўжаликда бу экин учун 193 гектар ер ажратилди. Бу йил хўжалик ғаллакорлари давлат омборларига 780 тонна каҳрабо дон етказиб беришни мақсад қилиб қўйишган.

Суратда: бригада бошлиғи Хуррам Суванов (чапда) ва механизатор Суюн Оллобердиев экин майдонида.

И. ХУЖАЕВ (ЎзА) олган сурат.

• Қадриятларимиз

КУЛГИ — ХАЛҚНИНГ МУЛКИ

1 апрелга шарқона чизгилар

МУСТАҚИЛ Ўзбекистон Республикасида Наврўз бутун борлиқ сепини ёзиб диёр кезмоқда.

Буюк мўъжиза — Наврўз истиқлол ва тараққиёт йўлимизни ёритиб, тинч ва осойишта кунларимизни шарафлаб, туганмас қўшиқ ҳар бир хонадонга, маҳаллаларга — келажаги буюк элимизга ташриф буюриб, водий ва воҳаларни кезмоқда.

Қақроқ ерни ёриб чиқиб, қаттиқ ердан юмалаб, юмшоқ ердан таталаб чиққан бойчечак — одамларга оламнинг яшаришидан, янгиланишидан, яшиллашишидан дарак бериб, кулги-ю табассумни, қаҳ-қаҳани биздан ўрганинг, дея ётгандек...

Шунда беихтиёр, кулгу сўзини гулдан, яъни «гул-ку»дан олинмаганмикан, деб ҳайратга тушаман.

Дарҳақиқат, кулган гулни — гулчеҳра дейдилар.

Эътибор беринг-а, кулган одамларнинг юзларига бир боқинг, улар табассум ёки қаҳ-қаҳ этиб кулганларида шундай очилиб кетадиларки, яратганнинг ўзи бу фазилатидан бенасиб этмасин!

Доноларнинг кишига кулгу бахш этмоқ, бир ботмон қанддан яхшироқ деганларидек, ҳамма замонлар ва айниқса ҳозирги иқтисодий тақчиллик даврида, кулгу жанрига урғу бермоқ вақти келди, чунки табассум, кулгу юзни гўзал, истарани иссиқ қилади.

Донишманд халқимиз «Яхши кайфият — жон озиғи» деб бежиз айтмаганлар. Бу гапда катта маъно, ҳикмат бор.

XX асрнинг сўнгги йилларини олимларимиз «асаблар таранглашган давр», — деб айтмоқдалар. Дарҳақиқат, фан ва техниканинг жадал ривожи, илмий ахборот ва воқеалар кўлами кишилар томонидан «ҳазм» қилишни қийинлаштирмоқда, асабий ҳолатни келтириб чиқармоқда. Мана шу «чоп-чоп» асрда кишилар учун ноёб бўлиб қолаётган кулгу ва табассумга эҳтиёж ниҳоят даражада ортиб бораётганлигининг шоҳиди бўлмоқдамиз.

Кулгининг ҳам физиологик, ҳам ижтимоий фазилатлари бор. Кулгу ва табассум асаб ва юрак малҳамларидирки, унинг нафи чексиз. У шундай қудратли ижтимоий қуролдирки, жамиятимиз учун ёт бўлган иллатларнинг ярасига туз сепади, қинғир нусхаларнинг кирдикорларини фош қилади, аврастарини очиб ташлайди, бундан яхшилар завқланади, ёмонлар эса ҳижолат ўтида ёнади.

Кулгу ижтимоий ва физиологик ходисадир, у дунёни англаш ва билиш воситасидир, дунё гўзалликларини қадрлаш, сақлаш ва кўпайтириш учун замондошларга ёрдам бериш, моддий ва маънавий қадриятларни яратувчиларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш, ҳақиқат ва адолатга ишонч уйғотиш, тинчлик, инсонпарварлик ва тараққиёт ғояларини тарғибот этишда, жонбозлик қилишда унинг хизматлари беқиёсдир.

Муҳтарам зот, шарқнинг буюк алломаси имом Ат Термизий ўзининг «Шамоили Мухаммадийя» рисолаларида Жаноби Расули Акрам саллоллоҳу алайҳи вассалламнинг кулишлари ҳақидаги баёни бобида: «Ҳазрат Абдуллоҳ ибн Хорис Розиёллоҳу анҳу дебдулар: Мен жаноби Расули акрам саллоллоҳу алайҳи вассалламдан зиёда табасум қиладиган бир зотни кўрмадим. Яъни, кулишларида табассумлари зиёда эрди. Ёки ўзлари нақадар ғамда бўлсалар ҳам, саҳоба ларга табассум ила мулоқот этур эдилар».

Ўзбеклар, қолаверса, бутун Туркистон аҳли серзавқ табассумга мойил, кулгуга ўч халқдир. Қизиқчилик ва аския руҳиятларига сингиб кетган.

Очиғини айтишимиз керак, кейинги вақтларда бу юксак туйғу — қадрият ҳиёл хира тортиб бормоқда. Баъзилар куладиган замонми дея маъюс тортмоқдалар.

Наҳотки?! — деб ўйлаб қоласан киши. Шунда беихтиёр «Кулмаган кунлар — йўқолган кунлар» деган халқнинг доно мақоли ёдга тушади. Шу ўринда мутафаккир шоир Ҳофиз Шерозийнинг:

Беш кунлик гул кабидир
бу умримиз муддати,
Бўлмоқ керак гул каби
хандон лабу тоза рўй

— деб ёзган байтларида минг бир ҳикмат бисёрдир.

Яқинда рўзномалардан бири ўз саҳифасида «Табассум ила ўз турмушимизни ўзгартиришимиз мумкин» деб номланган бир ажойиб мақолани эълон қилди. Ушбу мақолада Америка халқи қандай қилиб иқтисодий таназзулдан чиққанлигига жавобан: Кулгу туфайли! — деб хулоса қилинади.

Хорижий мамлакатларга, хусусан АҚШ, Франция, Малайзия, Япония ва Туркияга бориб келганлар биринчи навбатда халқнинг юксак кайфияти ҳақида мароқ билан сўзлайдилар.

Яқинда Ўзбекистон Республикасининг бир гуруҳ санъат ва маданият ходимлари Малайзия Республикасида бўлиб, ўз таассуротларини шундай изҳор этадилар:

«Бизни қувонтирган нарса кишиларнинг одоб-ахлоқи бўлди. Ҳеч қўпол муомалани кўрмайсиз. Кишилар бир-бирлари билан кулимсираб гаплашадилар. Ўзаро ҳурмат юқори маромда».

Ҳадиси шарифда: «Тангри биродарларига қовоғини солиб қарайдиган кишиларни ёқтирмайди», «Мен ҳам ҳазил-мутоиба қиламан, лекин ҳақ гапни сўзлайман» деган муқаддас сўзлар ёзилган.

Муомала сиёсати табассумдан бошланмоғи керак, дейди донолар. Эътибор берган бўлсангиз, АҚШнинг собиқ Президенти Буш, Туркия Республикаси Президенти Турғун Ўзол учрашувларда табассум ила суҳбат қиладилар.

Аллоҳга минг қатла шукурларким, мустақил Ўзбекистон Республикаси ташкил топди. Эндиликда халқнинг руҳини кўтарувчи ижтимоий қуроллардан бири бўлмиш кулгу воситасига мунтазам эътибор бериш вақти келди.

Халқнинг «Бир соат қизиқчи қўнган элга қирқ кун нур ёғади» деган нақли бежиз айтилмаган.

Аския, қизиқчилик ва масхарабозликни ўйлаганимизда хўжа Насриддин тимсоли гавдаланади. Биз кулгу маскани очиш ҳақида 1993 йиллардан республика матбуотида қатор чиқишлар қилиб, кўпгина мутахассислардан, кенг жамоатчиликдан таклиф ва тақризлар олган эдик. Буни қарангки, бизнинг қавмдошларимиз турклар Анқара шаҳрига яхшироқ жойлашган Саврихисар деган шаҳарчага кираверишда доно Хўжа Насриддинга ёдгорлик хайкалини ўрнатдилар. Шу жойдаги аҳоли ривоятларга қараганда Хўжа Насриддин шу манзилгоҳда туғилган. Шунинг учун ҳам ҳозир бу ерда Хўжа Насриддин музейи қуришга тараддуд кўрилмоқда. Офаринлар бўлсин!

Ҳозир АҚШда Кулгу (Гелотология) институти, Болгариянинг Габрово шаҳрида Сатира ва Юмор институти, Югославияда эса юмор Академияси ишлаб турибди.

Биз ҳам кўпдан буён шу мавзуда тадқиқот ишларини олиб бориб, анча-мунча мерос тўпладик. Ҳамма республика учун ўзига хос бўлган илмий маърифий муассаса бўлмоғи даркор, деган фикрни таъкидлаб келмоқдамиз. Кулгу академияси деган катта бир марказни ташкил этишни кун тартибига қўймоқдамиз. Кулгу муассасаси кўпгина олимларни — санъатшуносларни, элшуносларни, деонтологларни ҳамда ҳажвчи шоир ва ёзувчиларни, рассомларни, аскиячи ва қизиқчиларни бирлаштирган уюшма бўла олур эди.

Бўлажак кулгу академиясини кўргазма заллари ва бу масканда мунтазам ташкил этиладиган тадбирлар хусусида илмий жиҳатдан мукаммал режаларимиз тайёр.

Яна бир мулоҳазамиз бор. Республикамизнинг турли шаҳар ва вилоятларида кулгу кунлари ўтказилиб келинмоқда.

Шу ўринда Бухоро ва Қўқон, Марғилонда ўтказилган кулгу кунларини оммалаштириб, ўша 1 апрелда бўладиган кулгу кунини 1 майга ўтказилса айни муддао бўлур эди.

Донишмандлар «Инсон дунёга табиатан йиғлаб келади, бу табиий, лекин у ҳаётдан кулиб, пиру-бадавлат бўлиб кўз юмиши керак», — деганларида минг бора ҳақлар.

Юртимизнинг бойликлари кўп, аммо халқнинг кўтаринки кайфияти ва руҳияти буюк бойликдир. Кулгу, табассум — бамисоли олтин, У халқимизнинг соғлиғи ва саодатидир.

Билол АМИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси «Маҳалла» хайрия фондининг қадриятлар бўлими мудири, тарих фанлари номзоди, элшунос.

ҚАРШИ. Халқ таълими бўлими ҳузуридаги «Ўқувчилар ва ёшлар маркази» ўқувчиларнинг севимли масканидир. Бу кошонадан болаларнинг қадами узилмайди.

— Бизнинг марказда қирқ битта тўгарак мавжуд,—дейди марказ директори тажрибали педагог Боймир Жўраев. — Тўгараклар 164 гуруҳга бўлинган бўлиб, 70 нафар педагог ёшларни турли касб ва фан сир-асрорларидан воқиф этадилар.

Бу ерга шаҳардаги ўттиз мактабдан 2800 ўқувчи мунтазам равишда машғулотларга қатнаб ўз билим ва савияларини оширадилар.

Суратда: «Ёш авиамоделчилар» тўгараги раҳбари Б. Қодиров шогирдлари даврасида.

Ш. ШАРОПОВ олган сурат. (ЎзА).

ҚЎШМА КОРХОНА ИШГА ТУШДИ

«Бухоро ташқи иқтисодий алоқалар уюшмаси ишбилармонлари юртимиз овозасини етти иқлимга таратган Абу Али ибн Сино шуҳратини қайтариш ниятида. Яқинда шу йўлда илк қадам қўйилди. Бухорода Ҳиндистоннинг «Гуфик» фирмаси билан ҳамкорликда шифобахш ўсимликлардан дори-дармонлар тайёрловчи қўшма корхона ишга туширилди.

— Ҳиндистон фирмаси билан анчадан буён савдо-сотиқ алоқаларини йўлга қўйган эдик, — дейди биз билан суҳбатда «Бухоро» уюшмаси президенти Ж. Мирзахўжаев. — Энди бу алоқаларга амалий тус беришга қарор қиляпмиз. Қизилқумда юзлаб шифобахш гиёҳлар ўсаяпти. Ҳиндистонликларда эса ундан шифобахш доридармонлар тайёрлашга қодир технология мавжуд.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра, ўзаро ҳамкорлик шу йилнинг охиригача ўз самараларини бера бошлайди. Бухоро вилоятида ўсадиган гиёҳлар харитаси ҳиндистонлик доришунослар-да катта қизиқиш уйғотди.

Вилоят марказининг жанубий-ғарбий чегарасида «Гуфик — Ибн-Сино» қўшма фармацевтика корхонасининг ишлаб чиқариш биноси қад кўтара бошлади. Уни «Бухоро» уюшмаси маблағ билан таъмин этяпти. Дастлабки йилларда ишлаб чиқаришни замонавий технология ва хом ашё билан таъмин этишни эса Ҳиндистон фирмаси ўз зиммасига олган.

Дарвоқе, бўлажак заводда 120 киши меҳнат қилади. Улар ҳар сменада 700 минг «таблетка» ва 70 минг «капсула»дан дори ишлаб чиқаришади. Бу — корхонанинг ишга тушган дастлабки давридаги кўрсаткичи. Қурилишнинг иккинчи босқичида эса турли шифобахш аралашмалар, шарбатлар ва бошқа гиббий маҳсулотлар ишлаб чиқаришга киришилади.

Айни пайтда қурилишда ўнлаб меҳнат жамоалари ишлашмоқда. Вилоятдаги 20-қишлоқ қурилиши трестининг бошқарувчиси У. Ғиёсовнинг таъкидлашича, биноларнинг иншоотни белгиланган 42 ой ўрнига 12 ой ичида тугатишга бел боғлашган. Агар бу иш амалга ошса, шу йилнинг сентябрида дастлабки маҳсулот республика дорихоналари пештахталарида пайдо бўлиши аниқ.

Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Фармация» бирлашмаси тайёр маҳсулотларнинг бир қисмини яқин ва узоқ ҳорижга экспорт қилиш тўғрисида шартномалар тузиш тараддудида. Зеро, ҳиндистонлик доришунослар тайёрлаган сифатли маҳсулотларга дунёнинг етти бурчагида истеъмолчилар интиқ.

Н. НАИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

● ИШНИНГ КЎЗИНИ БИЛГАНЛАР

ЯНГИ КАСБДАГИ ДАСТЛАБКИ ТАЖРИБА

● Хива районн матлубот жамиятининг ёрдамчи хўжалиги — бўрдоқичилик базаси чорвадорлари ҳар йили юзлаб бош қорамол, чўчқа, қўй ва эчкиларни сўқимга боқиб, эл дастурхонига семиз гўшт етказиб беришдек хайрли ишга ҳисса қўшиб келишаётган эди.

Жамият бошқаруви ўтган йили чорвадорларга ёрдамчи тармоққа қарашли майдоннинг 15 гектарига чигит экишни маслаҳат берди. Ана шу майдонларга қадаладиган уруғларни ҳам районга қарашли Огаҳий номли жамоа хўжалиги берди. Экишни ҳам, ғўза парваришини ҳам база деҳқонларининг ўзлари амалга оширишди. Яганалаш, бегона ўтларга қарши курашда жамият ишчи-хизматчилари ёрдамга келишди. Умуман, йиғим-теримгача адо этилган агротехник тадбирларнинг барчаси бепул бажарилди. Буни қарангки, бўрдоқи боқарларнинг янги касбдаги биринчи тажрибаси дастлабки йилнинг ўзидаёқ самарали бўлди. Гектаридан қарийб 35 центнердан дур йиғиб-териб олинди. Унинг ялпи миқдори 53 тонналик тош босди. Шу ҳосилни саранжомлаб олишга бор-йўғи 10 минг сўм сарфланди. Жамият бу ҳосилдан олинадиган 16 тонна тола эвазига камида 5 миллион 600 минг сўм миқдоридаги даромадга эга бўлди. Унинг чигитидан олинадиган тўрт тонна ёғ, анча миқдордаги шелуха, кунжара, шрот ва хўжалик совунини айтмайсизми?!

— Пахтачилик — кони фойда, деганлари рост экан, — дейди жамият бошқаруви раиси Отаназар Қурбонов. — Ишонасизми, биз ҳатто ғўза пайкалларига бир марта ҳам сув тараганимиз йўқ. Бурноғи йили шоли етиштирилган далаларга чигит қадалган эди-да! Ғўза ўша далаларнинг намига етилди. Бунинг устига, ғўзага минерал ўғит ҳам берганимиз йўқ. Унинг ўрнига парранда «ўғити»дан фойдаландик. Кўриб турибсизки, самараси ёмон бўлмади. Шунингдек, бултур биз давлатга ўн тоннадан ортиқ шоли ҳам етиштириб бердик. Аҳолига 71 тоннадан ортиқ гўшт сотишни таъминладик. Саккиз гектарга яқин майдонда мевазор боғ яратдик.

Бу йил камида йигирма гектар майдонда пахта, ўн гектарга яқин майдонда шоли етиштирмоқчимиз. Бу ҳам республикамиз иқтисодиётини мустаҳкамлашга оз бўлса-да ҳарна мадад, ахир!

Шунингдек, жамият қошида қатор ёрдамчи кичик корхоналар, жумладан, терини қайта ишлайдиган кўнчилик, темирчилик, тикувчилик ҳамда гиламчилик цехлари ҳам самарали ишлаб турибди.

Эркин МАДРАҲИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЗИЁЕВ ЛИЦЕЙ ОЧМОҚЧИ

● Бу рост гап. Ургут районидаги Навоий номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Зойир Зиёев вилоят халқ таълими бошқармаси ва мутасадди ташкилотларга серқатнов бўлиб қолди.

— Ўрта мактаб программаси болаларимизни, ҳатто ўқитувчиларни ҳам қониқтирмаётгани ҳеч кимга сир эмас. Ваҳолонки, бугунги кунда фарзандларимиз дунёвий илмларни эгаллашлари, кўп тилларни билишлари зарур. Шу мақсадда лицей очмоқчимиз.

Бу ҳақда вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Ҳасан Нормуродов билан суҳбатлашдик.

— Қани энди ҳамма раисларимиз Зойирбойдай халқ таълимини тушунадиган бўлса, — дея фахрланди Ҳасан ака. — Хўжалик ҳудудида тўртта ўрта ва битта саккиз йиллик мактаб бор. Иккитаси қўшқаватли замонавий бинода жойлашган. Лингафон кабинети, компьютерлар хонаси мавжуд. Ҳар битта мактабда стадион қурилган, қарийб бир гектардан ер ажратилган. Айтгандай, Алишер Навоий номли жамоа хўжалиги вилоятда биринчи бўлиб аълочи ўқувчиларга доимий стипендия таъсис этди. Ана шу фидойиликлари эвазига Зиёевга «Ўзбекистон халқ таълими аълочиси» нишони берилди.

Биз хўжаликда бўлиб, ўқувчилар стипендиясининг тартиби билан қизиқдик. Мактаб жамоаси ой якунига кўра энг яхши, аълочи ўқувчиларни ҳамда намунали муаллимларни аниқлайди. Хўжалик бошқаруви қошида ташкил этилган махсус комиссия таклифларни ўрганиб, қарор чиқаради. Ҳозирча аълочи ўқувчилардан 200 нафари ҳар ойда 200 сўмдан стипендия олаётир. 10 нафар муаллимга эса минг сўмдан мукофот берилади.

Раис ташаббуси билан 17-мактабда инглиз тилидан махсус курс очилди. Самарқанд дорилфунунининг ўқитувчиси Бахтиёр Одилов 30 нафар йигит-қизга инглиз тилини ўргатаётир. Бу забонда болаларнинг тили бурро бўлиб қолди. Яқинда эса араб тили тўгараги ҳам иш бошлайди. Нима ҳам дердик. Иштиёқ бор экан, пул ва имконият топилса, раиснинг раъйини қайтармаган маъқул. Эндиликда қишлоққа ҳам лицей ярашади.

Ф. ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Темур тузуклари

Сипоҳий фавжлардан ёки амирлардан қайси бири душман билан келишиб, дўсту ошно бўлиб яшаш йўлидан бурилиб, ғанимлар сафига бирлашар экан, уларни юртдан чиқариб, ҳеч ердан ўрин бермасинлар. Бунга мисол, Кеш[1] лашкарининг саркардалари мендан юз ўгириб, амир Ҳожи барлос қўшинига қўшилдилар. Шундан кейин мен уларга ишонмай қўйдим.

Агар навкарни бирон мамлакатга ҳоким қилган бўлсалар-у, у бевафолигидан душман билан келишиб, мулк[2]ни унга таслим қилса, ўлим жазосига маҳкум қилсинлар. Мамлакатни ҳимоя қилиб, душманни йўлатмаган навкарни юқори мартабага кўтариб, ҳурматласинлар.

Қайси бир амир уруш кунлари, аҳвол танг бўлган пайтда, жанг майдонида ихлос қадамини маҳкам қўйиб, дўст-ошнолик ҳақини сақлаган бўлса, уни ўз ота-инисидек кўрсинлар. Чунончи, Кеш амирлари ва лашкари мендан бутунлай юз ўгирганларида ва амир Жоку барлосдан бошқа ҳеч кимса олдимда қолмаган бир пайтда, мен амир Жокуни ўз азиз оғамдай кўриб, давлатимга шерик қилдим. Уни амир ул-умаро этиб тайинлаб, Балх ва Ҳисор мамлакатларини унга инъом қилдим.

ДЎСТУ ДУШМАНГА МУОМАЛА ҚИЛИШ ТУЗУГИ

Турон мамлакатини фатҳ этган куним ва пойтахт Самарқандда салтанат тахтига ўтирганимдан сўнг, дўсту душман билан [муомалада] бир текис йўл тутдим. Менга ёмонлик қилган, ҳийла-макр ишлатиб, жанг майдонида менга қарши қилич яланғочлаган Бадахшон амирлари, турку тожик қўшинларининг баъзи амирлари қилган қинғир ишларидан қўрқувда эдилар. Чорасиз қолиб илтижо билан менинг паноҳимга келганларида уларга шундай яхшиликлар қилдимки, менинг иноятим ва ҳайр-эҳсонимни кўриб, ўзлари шарманда бўлдилар. Қимни ранжитган бўлсам, эҳсону инъомлар билан кўнглидаги хафагарчиликни чиқардим ва мартабаларига қараб имтиёзлар бердим. Лекин суллдус ва Жете амирларидан нафратландим, чунки улар Қобилшоҳ Чингизийни[1] амирлик, кейинроқ хонлик [тахти]га кўтариб, унга дўстона ихлос билан хизмат қилиш хусусида аҳду паймон бергандилар. Бироқ кейинроқ, менинг салтанат тахтига ўлтирганимни эшитгач, менга хушомад қилмоқчи бўлиб, онтларини буздилар ва уни қатл эттирдилар.

[1] Кеш — Шаҳрисабз шаҳри ва вилоятининг ўрта асрлардаги номи.
[2] Мулк — подшолик, давлат, мамлакат.

91.

Менга ҳасад қилиб, ўлдиришга қасд қилган кишиларга шунчалик совға-инъомлар бериб, муруввату эҳсон кўрсатдимки, бу яхшиликларни кўриб, хижолат терига ғарқ бўлдилар. Ҳамиша менинг розилигимни олиб иш тутган дўстларим олдимга паноҳ тилаб келганларида, уларни ўзимнинг бахту давлатимга шерик билиб, ҳеч қачон улардан мол-мулк ва тирикчилик ашёларини аямадим.

Яна ўз тажрибамдан билдимки, содиқ ва вафодор дўст улким, ўз дўстидан ранжимайди, дўстининг душманини ўз душмани деб билади. Агар керак бўлса, дўсти учун жонини ҳам аямайди. Шундайки, амирларимдан қай бирлари менга жон-дили билан ҳамроҳлик қилган бўлсалар, мен ҳам улардан ҳеч нарсани аямадим.

Яна ўз тажрибамда кўрдимки, ақлли душман, жоҳилу нодон дўстдан яхшироқ экан. Чунончи, амир Қозоғоннинг набираси амир Ҳусайн нодон дўстлардан эди. Унинг дўстлик юзасидан қилган ишларини, ҳеч бир душман қилмайди. Амир Худайдод менга шундай дейди: «Душманингни лаълу жавоҳирдек сақлагил, қачонки бирон тошлоқ ерга келиб қолсанг уни олиб тошга шундай ургинки толқони чиқиб, ундан нишон ҳам қолмасин». У яна шундай деди: «Агар душманинг бош уриб паноҳингга келса, раҳм қилиб, яхшилик ва мурувват кўрсатгил». Чунончи, мен Тўхтамишхонга қилганим каби. У паноҳимга сиғиниб келганда, унга яхшилик ва мурувват қилдим. Агар душман сендан мурувват ва хайр-эҳсон кўрса-ю, яна қайтадан душманлик йўлини тутса, уни парвардигорнинг [ҳукмига] топшир.

Чин дўст улдирки, дўстидан ҳеч қачон ранжимайди, агар ранжиса ҳам, узрини қабул қилади.

[1] Қобилшоҳ — асли дарвишнамо шоир, 1364 й. тахтга ўтказилган ва ҳаммаси бўлиб тўрт ой ҳукмронлик қилган.

92.

• *Ўзбекистон ва жаҳон*

ОЛИС ОЛМОНИЯ САФАРИ

«Ўзбекистон Ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси жаҳон миқёсида амалга ошираётган қатновлари қаторига яна бир янги манзил қўшилди. Шундай қилиб, Олмония Федератив Республикасининг Майн соҳилидаги Франкфурт шаҳри самолётларимиз қатнови жадвалидан ўрин олди. Ўзбекистон миллий авиакомпаниясининг моҳир учувчилари бошқарган «Ил-62»ҳаво кемаси 6,5 соат мобайнида беш мингдан знёд километр масофани босиб ўтди ва Европанинг мана-ман деган аэропортига қўнди. Бу тайёрагоҳ ўзининг ҳажми ва хизмат кўлами жиҳатидан бутун Европада Лондон аэропортидан кейин иккинчи ўринда туради. Жаҳоннинг турли мамлакатлари бўйлаб 220 та йўналиш бўйича 3 мингдан ортиқ самолётни бир ҳафтада кутиб олиб ва кузатиб қўяднган бу тайёрагоҳда барча юмушлар энг замонавий техника ёрдамида амалга оширилади. Франкфурт аэропорти жаҳондаги юздан ортиқ мамлакат билан ҳаво йўллари орқали боғланган. Уни чиндан ҳам Европанинг энг намунали ҳаво дарвозаси деб, таърифлаш мумкин.

Ўзбекистон вакиллари бу замонавий ва кўҳна аэропортда самимий кутиб олинди. Маъмуриятнинг қароргоҳида биринчи парвоз шарафига тантанали маросим бўлди. Унда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси бош директорининг биринчи ўринбосари, биринчи тонфали учувчи Арслон Рўзметов, Франкфурт аэропорти раҳбари Манфред Шёлс, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси капитал қурилиши, транспорт ва алоқа бўлими мудири ўринбосари Ойдин Азимбеков гапирдилар. Ҳаво йўли очилишига бағишланган тушлик чоғида таниқли қўшиқчи Мансур Тошматов раҳбарлигидаги дастанинг концерти немис дўстларимизга манзур бўлди. Ўзбекистон авиакорхонасининг пазандаси Фатҳулла Иўлдошев тайёрлаган миллий таом — палов дастурхонларга тортилди.

Франкфурт бўйлаб икки соат давом этган саёҳатдан меҳмонлар бой таассурот олдилар. 650 минг киши яшайдиган бу шаҳарда 450 дан ортиқ турли хил тижорат банклари жойлашган экан. Шаҳар аҳолисининг асосий транспорт воситаси фақат енгил машиналардан иборат. Ҳамма жой ораста ва кўркам. Аҳолига ва меҳмонларга манший хизмат кўрсатиш юксак даражада.

Шундай қилиб Тошкент Франкфурт оралиғида мунтазам ҳаво йўли қатнови бошланди. Эндиликда Ўзбекистон учун олис Олмония ҳам яқин бўлди.

Абдулла ПЎЛАТОВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

СУРАТДА: Франкфурт аэропортида кутиб олиш. В. КОВРЕИН сурати.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

САМАРҚАНДДА НИМА ГАП?

«ПЕРШИНГ-2»НИНГ ПАРЧАСИ

Самарқанддаги Тинчлик ва бирдамлик халқаро музейи ҳамдўстлик мамлакатларида ягонадир. Яқинда унинг хазинаси яна битта нодир экспонатга бойиди.

Америка Қўшма Штатларининг Тошкентдаги элчихонаси маслаҳатчиси жаноб Жон Вернер АҚШнинг собиқ мудофаа вазири Дик Чейннинг илтимосига кўра собиқ Совет Иттифоқи билан АҚШ ўртасидаги битимга мувофиқ бузиб ташланган «Першинг-2» ракетасининг парчаларини, Чейннинг сурати ва дастхатини музейга топширди.

Шуниси қизиқки, ушбу маърифат масканида дунёдаги 50 дан знёд мамлакатлар бош раҳбарлари дастхати туширилган эсдалик совғалари бор. Кейинги нуфузли дастхат Германия Федерал канцлеридан келган эди.

ҲАЖГА ВЕЛОСИПЕДДА!

Ҳа, араб тили муаллими, каттақўрғонлик Мирёқуб Қобулов Маккага велосипедда боришга тайёргарлик кўрмоқда. Жумладан, у ана шу оддий «улов»да Каттақўрғон — Самарқанд йўлини 6 соатда, Самарқанд—Душанба йўлини 13 кунда босиб ўтди. Дарвоқе, қадимда Мирёқубнинг бобоси Мирниёзхўжа ҳам кўплаб муқаддас жойларни знёрат қилган экан.

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Ўзбекистон футбол мамлакати бўлади*

Севимли футбол жамоаси «Пахтакор» бу мавсумни янги устоз бошқилигида бошлади. Баҳодир Иброҳимовни ишкибозлар яхши билишади. У собиқ пахтакорчи бўлиб, қадрдон жамоаси етакчи футбол командаларидан бири сифатида ажойиб ўйинлар кўрсатиб миллионларни хушнуд этган дамларда тўп сурган. Янги тренернинг ниятлари холис.

Биз унга бир неча саволлар билан мурожаат этдик.

ОСИЁ СОВРИНЛАРИ УЧУН КУРАШАМИЗ

— Мамлакатимиз дастлабки биринчилигининг ғолиби бўлган пахтакорчилар янги мавсумни ҳам ҳужумкорлик билан ўтказадилар, дейишга асос борми?

— Менимча, ҳеч бир устоз мавсум олдидан ваъдабозликка берилмаслиги керак. Зеро, эзгуликка нима етсин. Жамоага бош тренер бўлиб тайинланганимга қадар пахтакорчиларнинг шайлигини зимдан кузатиб юрардим. Лекин улар билан яқиндан мулоқотда бўлмай, бевосита йўл-йўриқлар бермай мақсадга эришиш осон кечмайди. Аммо пахтакорчилар бу йилги ҳозирликни ўзига хос тарзда уюштирдилар. Хусусан, жамоани учрашувларда кўпроқ синашга, машқини оширишга эътибор қилинди. Айтайлик, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги чемпионларининг соврини учун ўтказилган мусобақаларда иштирок этиш жамоа учун муҳим аҳамият касб этди. Кейин «Пахтакор» хотира соврини учун учрашувлар ҳам мавсумга тайёрланишда муҳим босқич бўлди. Мухлислар пахтакорчиларининг Жанубий Кореянинг «Санг Сил» футболчилари билан учрашувидан завқландилар. Жамоамизнинг Индонезия сафари ҳам чакки бўлмади. Мавсум арафасида ўтказилган сўнгги учрашув мамлакатимиз олимпиада ва миллий терма жамоаларининг учрашувларида пахтакорчиларнинг ҳам иштирок этиши бўлди. Бу ўйиннинг миллий жамоа ҳисобига 3:1 ҳисобида ҳал бўлишига пахтакорчиларнинг хиссаси бор. Чунончи, В. Кечинов Н. Ширшов, Э. Назаров, П. Бугаловлар астойдил ҳаракат қилдилар.

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида футболни янада ривожлантириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорида «Пахтакор» командасининг мақоми ҳақида, жамоага тегишли спорт иншоотлари тўғрисида қимматли фикрлар билдирилган. Сиз бунга қандай муносабат билдирасиз?

— Ростини айтсам, бу муҳим ҳужжат менинг футбол ҳақидаги тасаввуримга шунчалар кучли таъсир кўрсатдики, фақат бир жамоа ҳақида эмас, балки бутун мамлакатимиз футболи ҳақида ғамхўрлик қилиш даври бошланди, деб мамнуният ҳосил қилдим.

Бундан буён футболимиз халқаро майдонлар сари одимлайверади. Биз бунинг учун барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланишимиз зарур. Осиё совринлари учун кураш бу борада ўзига хос синов бўлади.

Иқтидорли футболчиларни тарбиялаш билан республика терма командаларининг келажаги ҳақида қайғуриш керак. Жаҳон футболи тажрибасидан шу нарса маълумки, агар ўйиннинг моддий жиҳатдан таъминланмас экан, у майдонда эркин ҳаракат қилолмайди. Футбол ҳақидаги қарорда масаланинг ана шу нозик томонлари ҳам қамраб олинган. Ўйлайманки, яқин келажакда Ўзбекистон футбол мамлакатларидан бирига айланади.

Ҳ. НОСИРОВ.

КИНЕМАТОГРАФЧИЛАР УЧРАШУВИ

Ўзбекистон кинематографчилар уюшмасида давра суҳбати бўлиб ўтди. Суҳбат чоғидаги баҳсларда республика миллий кинематографиясини ривожлантириш йўллари муҳокама қилинди. Унда ижодий уюшманинг, Ўзбекистон давлат кинокомпанияси, шунингдек Ўзбекистонда ишлаб турган киностудиялар ва ижодий бирлашмаларнинг вакиллари иштирок этдилар.

Республика кинематографчилар уюшмаси бошқарувининг биринчи котиби Малик Қаюмов баҳсни бошлаб, Ўзбекистон киноси ҳозир жуда кўп қийинчиликларга дуч келаётганини таъкидлади. Молиявий муаммолар, фильмлар прокати билан боғлиқ қийинчиликлар, киноплёнкалар, ускуналар, аппаратлар, химикатлар билан таъминлаш ана шулар жумласидандир. Бундай шароитда республика ҳукуматининг миллий кинематографияни қўллаб-қувватлаши муҳим аҳамиятга моликдир. Ҳукумат шу мақсад учун ажратган маблағ киностудияларни ва ижодий бирлашмаларни пул билан таъминлашга, техника сотиб олишга ишлатилмоқда.

Молия вазирлиги билан Солиқ маҳкамаси 1993 йилда кино ташкилотларини қўшилган қиймат учун 25 фоизли солиқдан озод этишга қарор қилди.

Бундан бир йил муқаддам тузилган Ўзбекистон давлат кинокомпанияси раиси Ҳайрулло Жўраев компаниянинг фаолияти якунлари ҳақида сўзлади.

Давра суҳбати чоғида ижодий масалалар ҳам муҳокама қилинди. Режиссёрлар, сценарийчилар, студиялар ҳамда ижодий бирлашмаларнинг раҳбарлари миллий кинони ривожлантиришнинг турли жиҳатлари хусусида ўз фикрларини айтдилар.

(ЎзА).

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитаси «Ўзбекистон овози» газетаси ижтимоий ҳаёт редакциясининг муҳаррири, таҳририят бошлиғи партия ташкилоти котиби

Мирзакарим ПИРМАТОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Президиуми, механика, бошқариш жараёнлари ва информатика бўлими Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг М. Т. Ўрозбоев номидаги механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти директори, техника фанлар доктори, профессор Е. Н. Муборакова онаси

Тажирхон ая МУБОРАКОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент Иқтисодиёт университети ректорати ва жамоаси университетнинг собиқ кафедра мудири, профессор

Абдухалил ПАТТАХОВнинг

бевақт вафот қилганлигини чуқур қайғу билан билдириб марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик изҳор қилади.

Ўзбекистон республикаси тармоқлараро ҳисоб-китоб, иқтисод ва бошқарув раҳбар ходимлари ва мутахассислари малакасини ошириш институти жамоаси профессор

Абдухалил ПАТТАХОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила-аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

Тошкент молия институти маъмурияти математика кафедрасининг доценти М. Каримовга онаси

Марҳабо МАҲМУДОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ОБЛИГАЦИЯЛАРИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ!

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 12 фоизли ички ютуқли заёми 1993 йил 30 март Термиз шаҳрида ўтказилган IV ютуқлар тиражининг

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Ютуқлар заёмнинг олтита разрядидаги серия ва номерлари қуйидагича бўлган облигацияларга чиқди:

Серияси	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)	Серияси	облигация номерлари	ютуқ миқдори (сўм билан)
00036	1—100	5000	23197	074*	25000
00289	070*	50000	23325	050*	25000
00296	1—100	5000	23340	1—100	5000
00379	084*	25000	23798	009*	25000
00435	015*	50000	23982	066*	25000
00455	1—100	5000	23995	1—100	10000
00567	1—100	5000	24344	006*	25000
00705	1—100	5000	24433	1—100	5000
01653	1—100	5000	24556	013*	25000
01840	1—100	5000	24558	1—100	5000
02025	050*	25000	24581	1—100	10000
02040	1—100	5000	26132	1—100	2000
02146	1—100	2000	26783	036*	25000
02189	045*	50000	26794	002*	25000
02853	1—100	2000	27158	012*	25000
03024	039*	25000	27429	1—100	5000
03637	1—100	5000	27984	1—100	5000
03801	1—100	10000	28361	058*	25000
03961	1—100	5000	29030	1—100	5000
04633	1—100	10000	29142	041*	25000
04760	1—100	2000	29232	1—100	5000
05374	1—100	5000	29435	078*	100000
05531	1—100	5000	29579	098*	25000
05605	1—100	5000	29581	075*	25000
05807	1—100	10000	29634	1—100	5000
05837	1—100	2000	29778	1—100	5000
06205	095*	50000	30061	1—100	5000
06316	1—100	5000	30093	1—100	5000
07200	1—100	5000	30429	1—100	5000
07421	100*	25000	30545	045*	25000
07673	009*	50000	30987	037*	25000
07753	1—100	5000	31020	1—100	5000
07838	077*	50000	31315	1—100	5000
08110	1—100	10000	31967	043*	50000
08219	091*	50000	32151	1—100	2000
08396	1—100	5000	32789	1—100	5000
08698	093*	25000	33507	1—100	5000
08767	1—100	10000	34009	030*	50000
08955	002*	25000	34050	1—100	10000
09343	1—100	2000	34108	096*	50000
09593	055*	25000	34540	006*	25000
09639	1—100	5000	34656	069*	100000
10079	099*	25000	34697	1—100	5000
10491	1—100	2000	34777	1—100	5000
10524	1—100	2000	35483	041*	50000
10877	1—100	5000	36027	040*	50000
11060	090*	25000	36052	1—100	2000
11084	1—100	5000	36379	1—100	5000
11106	013*	50000	37050	1—100	5000
11260	079*	50000	37271	052*	50000
11540	016*	25000	37517	1—100	5000
11618	1—100	5000	37952	073*	25000
11656	1—100	5000	38064	1—100	5000
11832	015*	25000	38189	070*	25000
11885	1—100	2000	38288	022*	25000
12433	044*	25000	38451	1—100	5000
12511	056*	25000	38885	1—100	5000
12572	1—100	2000	39061	1—100	5000
13060	1—100	5000	39822	1—100	5000
13601	072*	50000	39974	074*	25000
13761	1—100	5000	39994	041*	100000
14180	088*	25000	40212	027*	50000
14411	1—100	2000	40240	1—100	5000
14576	1—100	5000	40657	050*	50000
14866	1—100	5000	41594	1—100	5000
14929	008*	50000	41746	1—100	5000
15039	1—100	5000	41918	040*	25000
15109	1—100	5000	42073	072*	25000
15222	1—100	2000	42155	015*	25000
15324	039*	25000	42239	1—100	5000
15412	1—100	5000	42416	077*	25000
16223	1—100	5000	42699	015*	25000
16271	1—100	2000	43300	1—100	2000
16915	020*	25000	43501	1—100	5000
17309	1—100	10000	43598	1—100	5000
17373	1—100	5000	43887	1—100	5000
17529	067*	25000	44330	1—100	5000
17808	1—100	5000	44386	1—100	5000
17973	009*	25000	44426	1—100	5000
18459	061*	50000	44646	049*	25000
18729	1—100	10000	44904	1—100	5000
18857	1—100	5000	45325	1—100	5000
19136	081*	25000	45662	1—100	2000
19230	1—100	5000	46232	1—100	5000
19942	002*	25000	46565	1—100	2000
20413	1—100	5000	46572	1—100	5000
20462	1—100	5000	46909	1—100	5000
20475	1—100	5000	47056	1—100	5000
20769	098*	25000	47196	041*	25000
20782	099*	25000	47316	1—100	5000
20806	039*	100000	47941	004*	25000
21145	1—100	5000	48842	035*	50000
21393	1—100	2000	48896	1—100	2000
21490	1—100	5000	49055	1—100	5000
21741	1—100	5000	49256	022*	100000
21840	1—100	5000	49390	099*	50000
21849	1—100	5000	49474	073*	50000
22536	033*	50000	49560	033*	25000
22738	016*	50000	49954	1—100	2000
23120	1—100	5000	49995	1—100	5000

***) Шу сериядаги облигацияларнинг қолган номерига 2000 сўмдан ютуқ чиқди.**

Жадвалда 500 сўмлик облигацияларга чиққан ютуқлар кўрсатилган.

1000 сўмлик облигацияларга бир хил миқдорда 10000, 5000, 2000 сўмлик ютуқ чиққан тақдирда ютуқ чиққан сериядаги облигацияларнинг барча номерларига айнан 20000, 10000, 4000 сўм ютуқ тўланади.

1000 сўмлик облигация номерлардан бирига 25000, 50000, 100000, 250000 сўм миқдорида ютуқ чиққанда унинг иккинчи номерига 2000 сўм чиқади ва облигация бўйича 27000, 52000, 102000, 252000 сўм тўланади. 250 сўм қийматидаги облигацияларга 500 сўмлик облигацияга чиққан ютуқнинг ярми тўланади.

Ютуқ пулига чиққан облигациянинг бевосита қиймати ҳам киради.

Ушбу жадвал расмий ҳужжат ҳисобланиб Ўзбекистон Республикаси Жамғарма банкининг муассасалари томонидан ана шу ҳужжат асосида рўзноманинг кейинги сони чиққан кундан бошлаб ютуқларни белгиланган тартибда тўлай бошлайди.

Ютуқлар тиражини ўтказиш комиссиясининг раиси Термиз шаҳар ҳокими

Қ. Х. АҲМЕДОВ.

Тираж комиссиясининг масъул котибаси Ўзбекистон жамғарма банкининг аҳолига комплекс хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғининг муовини

Т. М. МИНИБОЕВА.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083 ТОШКЕНТ, ГСП, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ 32-УЙ.

МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ВА «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ

Бош муҳаррир

Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

РЕДАКЦИЯЛАР:

Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14.
Ижтимоий ҳаёт — 33-21-43; 32-53-16.
Вилоят мухбирлари — 33-12-16; 32-57-20.
Хатлар, ахборот ва спорт — 33-12-56, 32-55-16.
«Осиё бозори» — 33-41-89, 32-55-70.
Котибият — 33-72-83; 32-53-06.
Эълон ва билдирувлар — 32-54-14.
Шароф Рашидов фонди — 33-20-36; 32-54-35.
Қабулхона — 32-55-15.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ

Андижонда — 4-48-85; Нукусда — 2-42-62;
Бухорода — 3-96-12; Самарқандда — 35-22-90;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-31-86; Урганчда 6-72-60;
Қаршида — 3-25-79; Термизда — 2-23-01.

Навбатчи муҳаррир: У. ФАЙЗИЕВА.

- Бирорта ҳам хат редакция эътиборидан четда қолмайди
- Эълонлар кечиктирмай чоп этишга кафолат берилади.
- Қўлёзмалар ҳажми чекланмайди.
- Рўйхатдан ўтиш тартиб № 000120.

Газета офсет усулида А—2 форматда босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ. тиражи — 174.270 нусха.
Босишга топшириш вақти — 21.00, топширилди — 21.00.
Г—168. № 56.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. А 23456